

Раислик қилди: **Норов Ш.С.** – НДКИ Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар: Навоий ихтисослаштирилган прокурор ўринбосари Б.Т.Ахмедов, Навоий вилояти ДХХ маъсул ходими У.Б.Рахимов, Вилоят ИИБ коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича маъсул ходим С.Ш.Латипов, Вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш.Равшанов, Навоий вилоят суди судяси Б.Т.Имомов, Навоий вилоят иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Навоий вилоят бошқармаси бўлими катта инспектори О.А.Алланазаров, Навоий вилоят маънавият ва маърифат бўлими етакчи мутахасиси Н.Х.Отамуродова, НДКИ Ёшлар иттифоқи раиси Ф.Пирназаров, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Г.Акобирова, НДКИ бўлим мудурлари ва ходимлари, КМФ, ЭМФ, КФ профессор ўқитувчилари. Институт ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ж.Т.Назаров, НДКИ Жамоатчилик кенгаши аъзолари.

КУН ТАРТИБИ:

1. Иқтидорли талабалар билан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.
Маърузачи: *Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси*
2. Профессор-ўқитувчиларга илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиш, докторлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб бораётганларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар.
Комиссия: *Ишчи гуруҳ раҳбари.*
3. Гуруҳ мураббийлари фаолияти таҳлили ва уларнинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида амалга оширилиши зарур ишлар тўғрисида.
Маърузачи: *Мураббийлар кенгаши раиси.*
4. “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусидаги тарғибот тадбирлари ўтказиш ва давра суҳбати ташкиллаштириш.
5. 2020/2021 ўқув йилида “Жамоатчилик кенгаши” фаолияти ҳисоботи.
Маърузачи: *Кенгаш котиби*
6. Турли масалалар.
Маърузачи: *Кенгаш котиби*

1. Кун тартибининг **биринчи масала** юзасидан Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси сўзга чиқиб, Институтда иқтидорли талабалар билан тегишли фан соҳалари бўйича ўз қобилиятларини намоён этишда ва ривожлантиришда уларга кафедранинг малакали профессор-ўқитувчилари бириктирилиб, улар билан мустақил ишлашни жонлантириш мақсадида иқтидорли талабаларнинг қизиқишларини инобатга олиб, турли тўғарақларга жалб этиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун институтдаги мавжуд 3 та факультетда 57 та фан, маънавий-маърифий, спорт, илмий-тадқиқот лабораторияси тўғарақлари ва “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи” томонидан ташкил этилган тўғарақлар фаолият юритиб келаётгани ҳақида маълумот берди.

Уларда 1466 нафардан ортиқ талабалар иштирок этмоқда. Ушбу тўғарақларда иқтидорли талабалар дарсдан бўш вақтларида барча йўналишлар бўйича кафедраларда махсус жадвал асосида иш олиб боришмоқдалар.

Бундан ташқари иқтидорли талабалар билан барча кафедраларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Улар томонидан илмий журналларда ва илмий анжуманларда маъруза тезислари чоп этилиб келинмоқда.

Институт базасида меҳатроника клуби ва мутухассислик кафедралари базасида илмий-тадқиқот лабораторияси техник тўғараклари ташкил этилди. Ушбу тўғаракларда ҳам 409 нафар иқтидорли талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказиб келмоқдалар. Институтда тўғараклар самарадорлигини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

2021 йил 2 Июнь куни ўтказилган талабалар Республика фан олимпиадасида Ғойибназаров Рашид “Металлургия” фанидан 1-ўринни олди. Ахаткулов Адхам шу фандан 2 ўринни эгаллади. 2021 йил КМФ 4-босқич талабаси Хуррамов Хуршид “Ёшлар Иттифоқи” нинг стипендиясига сазовор бўлди.

2. Кун тартибининг иккинчи масала юзасидан Институт профессор-ўқитувчилари ва изланувчи талабалари илмий изланишларини амалга оширишлари учун институтда Кимёвий технология, Metallургия, Кончилик, Машинасозлик технологияси, Автоматлаштириш ва бошқарув, Умумий физика ва Электр энергетикаси кафедралари қошида жами 14 та илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилган бўлиб, ушбу лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Техно-парк. 2021 йилда Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудида Кон-металлургия саноатига ихтисослашган институт технопарки фаолияти йўлга қуйилди. Мазкур технопаркда “Metallургия”, “Ноёб ва радиактив металл рудаларини қазииш ва қайта ишлаш технологияси”, “Кончилик электр механикаси”, “Машинасозлик технологияси”, “Электр энергетикаси”, “Кимёвий технология” ва “Термик ишлов бериш” лаборатория участкаларидан ҳамда амалиёт ўтиш заллари мавжуд. Технопарк замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган.

Бугунги кунда кафедраларда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги инновацион ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти орқали йўлга қуйилган бўлиб, 9 та инновацион гуруҳларда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналар, жумладан, Навоий машинасозлик заводи, 1, 2, 3, ва 4-гидрометаллургия заводлари, карьерлар, кон бошқармалари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари, НавоийАзот АЖ, Навоий иссиқлик электр станцияси, Қизилқумцемент АЖ, Электрокимёзавод ЁАЖ, Навоий электр тармоқлари, Аммофос-Максам АЖ каби йирик ишлаб-чиқариш корхоналаридаги муаммолар бўйича ҳамкорлик қилинади.

Институтда 2021 йил давомида корхоналар билан тузилган илмий-инновацион ҳамкорлик шартномалари асосида корхоналарнинг 460 та мавзудаги муаммолари бўйича 76 та илмий битирув малакавий ишлари, 63 та магистрлик диссертацияси, 52 та таянч ва 21 та докторлик диссертацияси доирасида илмий изланишлар олиб борилган.

2020/21 йилда институт олимлари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 8 та монография, 56 та мақола халқаро илмий журналларда, 54 та мақола республика миқёсидаги илмий журналларда чоп этилган. Халқаро анжуманларда 288 та тезислар эълон қилинган. Бундан ташқари 8 та патент олинган. 3та патент учун Давлат патент идорасига ҳужжатлар топширилди.

Сўнги икки уч ичида институт олимлари томонидан 30 та монография таёрланган, 27 та муаллифлик гувоҳномалари қўлга киритилган, халқаро илмий журналларда 195 та, Республика илмий журналларида 295 та илмий мақолалар чоп этилган, 231 та халқаро конференцияларда, 954 та республика конференцияларида тесизлар эълон қилинган.

3. Кун тартибининг учинчи масала юзасидан Институт профессор-ўқитувчилари, Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда гуруҳ мураббийлари кенгаши ҳамкорликда, Институт мураббийлар фаолияти таҳлили ва уларнинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида НДКИ мураббийлар кенгаши Раиси билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилиб, тадбирлар ўтказилди.

4. Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан НДКИ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ж.Назаров маълумот берди.


“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон, ҳамда 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 12 майдаги Ф-32-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”ни юқори савияда ташкил қилиш мақсадида ташкил қилинган давра суҳбатини маъзун моҳияти тўғрисида барча йиғилганларга тўлик маълумот берди.

Тадбирда сўз олган Навоий ихтисослаштирилган прокурор ўринбосари Б.Т.Ахмедов, вилоятда прокуратура томонидан юқорида кўрсатилган қонунларни бажарилиши юзасидан маълумотлар бериб ўтди. Ва вилоят кесимида содир этилган айрим жиноятларни моҳияти юзасидан баён қилди.

Кейинги сўз навбати Навоий вилоят суди судяси Б.Т.Имомов берилди ва у ўз баёнида қўйидаги маълумотларни бериб ўтди: Вилоятда 12 та жиноят иши кўрилди. Тўрт нафари аёл беш нафари ёшлар. 54 фоизга жорий йилда коррупция ошган, яқинда коррупцияга қарши агентлик ташкил этилди. Ёшларимизга оиладан бошлаб коррупцияга қарши курашиш тўғрисида айтиб ўтиш керак. Динда ҳам ҳаром лўқма деб айтилади. Беш-тўрт сўм пул учун ҳамма нарсасидан айрилиб қолишлари мумкинлиги ҳаққида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида Навоий вилоят иқтисоди жиноятларга қарши курашиш департаменти Навоий вилоят бошқармаси бўлими катта инспектори О.А.Алланазаров сўзга чиқди ва огоҳликка ундовчи мисоллар келтириб ўтди: Биринчи эҳтиёж озиқ овқат, иккинчиси иқтисодий эҳтиёжлар, билимсизлик коррупцияга етаклайди.

Давлатнинг мақсади коррупцияни камйтириш. 2017 йил 3-январда 419-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, ушбу Қонун 6 бобдан иборат бўлиб коррупция моддий ёки номоддий манфаат олиш мақсадида ҳаракат қилишдир. 2-бобда ваколатли коррупцияга қарши кураш. 2020 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича агентлик ташкил этилди. Тезкор қидирув фаолият тўғрисида маълумотлар олиб борилмоқда аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича узвий тадбирлар оиб борилмоқда. Тарғибот тадбирларига менсимасдан қараш каби иллатларнинг



мавжудлиги ачинарлидир. Департамент органлари томонидан ҳам бир қанча тезкор тадбирлар олиб борилмоқда. Фуқароларни ўқишга киритаман деб пора олган ва тезкор қидирув органлари томонидан фош этилган.

Ундан сўнг, сўз навбати Вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш.Равшановга берилди: Таълим тизими Олий таълим муассасалари локоматив ҳисобланади. Адлия органлари ўз навбатида коррупцияга оид барча қабул қилинган ҳужжатларни аҳолига етказиб тарғибот-ташвиқот ишларни йўлга қўйиб фаолият юритмоқда. 2017 йил 3 январда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Қонун қабул қилингандан сўнг, Президент Фармонида асосан ички назорат бўлимлари ташкил этилган.

Ундан ташқари халқаро тажрибалардан келиб чиқиб мисоллар келтирилди: Дания, Янги Зеландия, Швеция ва бошқалар коррупциясиз давлат ҳисобланади. 2021 йил 24 февралда яна бир Қарор қабул қилинди, норматив ҳужжатларни тартиби тўғрисида. Унга кўра Норматив ҳужжатлар ҳақийқийлиги Адлия вазирлиги томонидан текширилади ва доим назоратда бўлади. Бутун дунёда Коррупцияга қарши тенденциялар жорий қилинган 2020 – йил Навоий давлат кончилик институти коррупциядан холи ҳудуд ҳисобланган.

Сўз навбати Вилоят ИИБ коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича маъсул ходими С.Ш.Латиповга берилди: Коррупцион ҳолатга тўхталиб ўтди. Талабалар билан мулоқотга киришиш жараёнида огоҳ бўлишимиз керак деб таъкидлади. Коррупция ўзининг келажагига болта уриш деб айтиб ўтди. Коррупцион ҳолатлар тўғрисида видеоролик қўйиб берди.

Давлат ҳукумати хавфсизлиги . Жамоада кўп киши ишлайди, ҳамма бир -бирини тўғри йўлга солиб турса, огоҳлантирса бу иллатдан йироқ ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш барчамизни бурчимиз. Ўқишга киргандан кейин талабалар нима учун жиноятга қўл уради. Бу ерда ўқитувчиларимизнинг роли бор –агар биз билим бермасак талаба кейинчалик қандай мутахассис бўлади, қандай қилиб фаолиятини юритади. Талаб ва илтимос бу иллатдан йироқ юринг. Барча ўзига хулоса чиқаришини сўраб қоламиз.

Навоий вилояти ДХХ маъсул ходими У.Б.Рахимов қўйидагиларни баён қилди: Жамоада кўп киши ишлайди, ҳамма бир-бирини тўғри йўлга солиб турса, огоҳлантирса бу иллатдан йироқ ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш барчамизни бурчимиз. Ўқишга киргандан кейин талабалар нима учун жиноятга қўл уради. Бу ерда ўқитувчиларимизнинг роли бор, агар биз билим бермасак талаба кейинчалик қандай мутахассис бўлади, қандай қилиб фаолиятини юритади. Талаб ва илтимос бу иллатдан йироқ юринг. Барча ўзига хулоса чиқаришини сўраб қоламиз.

5. Кун тартибининг бешинчи масала
юзасидан Жамоатчилик кенгаши 2020-2021 ўқув йили фаолияти мобайнида қўйидаги ташкилий, назорат ва ўрганиш ишлари олиб борилди ва тегишли қарорлар қабул қилиниб ижроси назорат остига олинди. Хусусан:

- Жамоатчилик кенгашининг 2020/2021 ўқув йили учун иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди;

- Талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқилди, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрлари ўрганилди ва тегишли ишлар амалга



оширилди;

- Кам таъминланган, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бўлган талабалар ҳамда етим ва ногирон талабалар аниқланиб НДКИ 5-Сон Касаба уюшмаси ҳамкорлигида ижтимоий ҳимоя қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилди ва кўрилди;

- Профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари жадвалига тўлиқ риоя этиши, ўқув машғулотларини кўчириш, ўтказмаслик, дарсга кеч қолиш, дарсларни белгиланган вақтидан эрта тугатиш ҳоллари, уларнинг сабаблари ўрганилди ва факультетлар ўқув ишлар бўйича декан муовинлари билан келишган ҳолда юқоридаги камчиликларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди;

- Кафедраларда фанлардан ўқув машғулотларининг замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши, кафедра филиалларида лаборатория ва амалий машғулотларнинг ўтказилишини ташкил этиш, зарурий қўлланмаларнинг, электрон ўқув-услубий мажмуаларининг яратилиши, ўқитиш тизимига замонавий инфорацион технологиялар, масофавий ўқитиш услубларини қўллаш ҳолати ўрганилди ва кўшимча шароитлар яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш тавсияси берилди;

- Профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билимини ҳолисона баҳоламаслик, таъмагирлик қилиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир қилинишининг олдини олиш бўйича НДКИ Таълим сифатини мониторинг вилиш бўлими билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилди;

-Талаба ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкил этилган фан ва спорт тугаракларида амалга оширилаётган ишлар қониқарла аҳволда деб баҳоланди ва иқтидорли талабалар билан ишлашни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди;

- Гуруҳ мураббийлари фаолияти таҳлили ва уларнинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида НДКИ мураббийлар кенгаши Раиси билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарур ишлар келишиб олинди;

- Профессор-ўқитувчиларга илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиш, докторлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб бораётганларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Илмий бўлим ва 5-Сон Касаба ушмаси билан ҳамкорликда илмий иш олиб боровчилар учун шарт шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш тавсияси берилди.

Юқоридаги масалалардан келиб чиқиб, НДКИ Жамоатчилик Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1-масала бўйича:

1.1. Талаба ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийси талабаларнинг бўш вақтда нима иш билан шуғулланиши ва қайси тўгаракларда қатнашиши бўйича маълумотлар тайёрласин ва уларни доимий бўш вақтларини мазмунли ташкил этилганлиги фан ва спорт тўгаракларида қатнашишларини таъминласин.

1.2. Республика ва Институт миқёсида ўтказилган кўрик танлов, муобақа ва олимпиадаларда совриндор ўринларга эга бўлган талабаларни институт ички имкониятлари ва Бирлашган Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилсин.

2-масала бўйича:

2.1. Иккинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди - Институт профессор-ўқитувчилари ва изланувчи олимларига илмий изланишларини амалга оширишлари учун институтда Кимёвий технология, Металлургия, Кончилик, Машинасозлик технологияси, Автоматлаштириш ва бошқарув, Умумий физика ва Электр энергетикаси кафедралари қошида жами 10 та илмий-тадқиқот лабораторияларида доимий ишлаш учун рухсатномалар берилсин ва ташкил этилган ушбу лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва илмий изланиш қилаётган тадқиқотчиларга меҳнат таътили ва ижодий таътиллار қонун доирасида расмийлаштирилиб берилиши тўғрисида кўрсатмалар берилсин.

3-масала бўйича:

3.1. Учинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди - Институт профессор-ўқитувчилари, Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳамда гуруҳ мураббийлари кенгаши ҳамкорликда, Институт мураббийлар фаолияти таҳлили ва уларнинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида НДКИ мураббийлар кенгаши Раиси билан ҳамкорликда қатор тушунтириш ишларини йил мобайнида амалга ошириб борсин.

4-масала бўйича:

4.1. Семинар давомида қилинган маърузалар маълумот учун қабул қилинсин.

4.2.Талаба-ёшлар ва аҳоли орасида коррупцияга қарши курашиши бўйича тадбирларни мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинарлар мунтазам ташкил этилиши ва ўтказилиши таъминлансин.

5-масала бўйича:

5.1. Жамоатчилик кенгаши 2020-2021 ўқув йили фаолияти ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва унинг ижроси таъминланиши Жамоатчилик Кенгашига раиси (Ш.С.Норов) зиммасига юклатилсин.

Мазкур баённомада белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилиш НДКИ Жамоатчилик Кенгашига раиси (Ш.С. Норов) зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирди:

Воҳидов Б.Р.